

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Вилоят ҳокими ўринбосари,
вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги
жамоатчилик Кенгаши раиси


_____ М.Мамадиярова
"___" май 2024 йил

**Вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ**

2024 йил 25 май

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи: М.Мамадиярова-вилоят ҳокими ўринбосари-
жамоатчилик Кенгаши раиси

Иштирок этганлар: Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик
Кенгаши аъзолари (рўйхат бўйича).

КУН ТАРТИБИ:

**Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш соҳасида амалга оширилаётган
ишлар натижадорлиги тўғрисида**

(Мамадиярова, Кенгаш аъзолари,..., Мамадиярова)

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари - жамоатчилик Кенгаши раҳбари М.Мамадиярова кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни ва йиғилишга таклиф этилганларни кун тартибидаги масалалар билан таништирди.

Хусусан, кун тартибида вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармасининг мурожаатлар билан ишлаш соҳасидаги фаолиятига оид ахборотлари тингланди.

Вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармасининг 2023 йилда жисмоний ва юридик шахслар билан сайёр қабуллар ўтказиш режа-жадвали ишлаб чиқилган. 2023 йилда вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи томонидан режа-жадвалда туман ва шаҳарларда жами 12 та сайёр қабуллар ўтказиш белгиланган, амалда 12 та сайёр қабуллар ўтказилган Ушбу сайёр қабулларда жисмоний ва юридик шахслардан 68 та мурожаатлар келиб тушган. Мазкур мурожаатларнинг 25 таси (36,76 %) ижобий ҳал қилинган, 36 тасига ҳуқуқий маълумот берилган, 7 тасига асосли тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналаридан 2023 йилда, жами 1953 та мурожаатлар келиб тушган, ушбу мурожаатларнинг 844 таси (43,21%) ижобий ҳал қилинган, 610 таси (31,23%)га ҳуқуқий маълумот берилган, 433 таси (22,17%)га тушунтириш берилган, 51 таси рад этилган, 10 таси тугатилган, 2 таси узоқ муддатли назоратга олинган ва қолган 1 таси маълумот учун қабул қилинган.

Мазкур 1953 та мурожаатларнинг 30 таси (1,53 %) такрорий

муурожаатларни ташкил қилади.

Ушбу 1953 та муурожаатларнинг, 165 таси вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси томонидан кўриб чиқилган бўлиб, ушбу муурожаатларнинг 38 таси (23 %) ижобий ҳал қилинган, 57 таси (34,54 %)га ҳуқуқий маълумот берилган, 44 таси (26,66 %)га тушунтириш берилган, 20 таси(12,12 %) рад этилган, 5 таси тугатилган, 1 таси маълумот учун қабул қилинган ва 1 таси узоқ муддатли назоратга олинган.

Вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи томонидан 2024 йилда тасдиқланган сайёр қабуллар ўтказиш жадвалига асосан, ўрганиш кунига қадар белгиланган жами 6 маротаба сайёр қабуллар ўтказилган. Ушбу сайёр қабулларда фуқароларданг 95 та муурожаатлар келиб тушган бўлиб, ушбу муурожаатларнинг 36 таси (37,89 %) ижобий ҳал қилинган, 34 таси (35,78 %) га ҳуқуқий маълумот берилган ва қолган 23 тасига тушунтириш берилган.

2024 йилнинг 6 ойи давомида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналаридан жами 621 та муурожаатлар келиб тушган, ушбу муурожаатларнинг 297 таси (47,82 %) ижобий ҳал қилинган, 180 таси(28,98 %)га ҳуқуқий маълумот берилган, 69 таси (11%)га тушунтириш берилган, 18 таси тугатилган, 8 таси рад этилган, 7 таси кўрмасдан қолдирилган, 3 таси узоқ муддатли назоратга олинган ва қолган 39 таси ўрганиш жараёнида.

Ушбу келиб тушган 621 та муурожаатлардан, вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси томонидан кўриб чиқилган 36 та муурожаатлардан, 11 таси (30,55 %) ижобий ҳал қилинган, 12 таси (33,33 %)га ҳуқуқий маълумот берилган, 7 таси (19,44 %) тугатилган, 2 таси рад этилган, 1 тасига тушунтириш берилган ва қолган 3 таси ўрганишга олинган.

Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, йиғилиш,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги масалалар юзасидан берилган ахборотлар маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси шахсий ва сайёр қабуллар графикларига қатъий риоя этган ҳолда, фуқароларнинг муурожаатларини ижобий ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратсин.

3. Муурожаатлар сони юқори бўлган маҳаллаларда аҳоли муаммоларини таҳлил қилиб, тегишли бўлимлар ва ташкилотлар билан биргаликда сайёр қабуллар ташкил этилсин, ҳамда аҳоли муурожаатлари ижобий ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Мазкур йиғилиш баёнининг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Йиғилиш котиби


Д.Гаффорова